

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 4947,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 103,5 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 136,1 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3511,5	4947,9	103,5
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3276,8	4375,9	103,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	234,7	572,0	104,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3276,8	4375,9	103,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	323,1	442,0	102,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1279,8	1953,2	103,4
саноат	983,1	1587,2	104,0
қурилиш	296,7	366,0	101,5
Хизматлар	1673,9	1980,7	103,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	289,5	360,3	103,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	366,5	410,1	104,9
бошқа хизматлар	1017,8	1210,3	103,3

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар
бўйича таркиби январь-июнь ҳолатига**
(жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида республиканинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (104,0%) тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ҳамда хизматлар (103,5%) ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 42,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-июнда 47,1 фоизни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 45,2 фоиз (2017 йил январь-июнда 51,0 фоиз)ни ташкил қилди.